



МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ДАСТУРИ ВА  
ИЖТИМОИЙ ЮКСАЛИШ

doi [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a36](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a36)

**Ҳакимов Назар Ҳакимович -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Ижтимоий гуманитар ва аниқ фанлар  
кафедраси мудири фалсафа  
фанлари доктори, профессор

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобининг илмий, назарий ва методологик аҳамияти ёритилган. Тадқиқотда ушбу тарихий асарнинг мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни, демократик ислоҳотлар кўламини жадаллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ёшларга фуқаролик жамияти тараққиёти механизmlари мазмунни ва моҳиятини тушунтиришдаги ўрни очиб берилган. Муаллиф асардаги Учинчи Ренессанс фундаментини яратишга оид илмий асосланган пурнамо фикрларнинг амалиётга татбиқ этилиши жараёнини баён қилган.

**Калим сўзлар:** янги тараққиёт, стратегия, халқ фаровонлиги, фуқаролик жамияти, ҳозирги босқич, иқтисодиёт, олий таълим, Учинчи Ренессанс.

ПРОГРАММА СТРАТЕГИИ НАЦИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ И СОЦИАЛЬНЫЙ ПРОГРЕСС

**Ҳакимов Назар Ҳакимович -**  
доктор философских наук, профессор.  
Заведующий кафедрой «Социально-гуманитарных  
и точных наук», Ташкентского государственного  
экономического университета.

**Аннотация.** В статье освещается научно-теоретическая и методологическая значимость книги Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева «Стратегия нового Узбекистана». Автор в исследовании раскрывает процесс социально-экономического развития нашей страны, масштабы ускорения демократических реформ, меры по социальной защите населения. В работе рассматривается роль руководителя страны в разъяснении для молодежи механизмов развития гражданского общества. Автор подчеркивает значение книги в формировании основ третьего ренессанса.

**Ключевые слова:** новое развитие, стратегия, благосостояние народа, гражданское общество, современный этап, экономика, высшее образование, третий ренессанс.

NATIONAL DEVELOPMENT STRATEGY PROGRAM AND SOCIAL GROWTH

**Hakimov Nazar Hakimovich,**  
Doctor of Philosophy, Professor.  
Head of "Social Humanitarian and Exact Sciences" Department  
Tashkent State University of Economics

**Annotation.** This article analyzes scientific, theoretical and methodological significance of the book of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M,Mirziyoev "Strategy of the New Uzbekistan". The author in the research reveals the process of socio-economic development of our country, the scale of acceleration of democratic reforms, measures for the social protection of the population. The work studies the role of the head of the country in explaining to young people the mechanisms for the development of civil society. The author emphasizes the importance of the book in shaping the foundations of the third renaissance.

**Key words:** new development, strategy, prosperity of the people, civil society, modern stage, economy, higher education, the third renaissance.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби ёшлар, талабалар, зиёлилар, тадбиркорлар, жамоатчилик вакиллари, китобхонлар томонидан катта қизиқиши билан ўрганилмоқда. Ушбу назарий, амалий, методологик аҳамият касб этувчи муқаммал асарнинг чоп қилиниши, мамлакат маънавий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллади. Асар кўпчилик китобхонларга ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг

ҳозирги, Янги Ўзбекистон давридаги мазмунни, моҳияти ва ривожланиш омилларини тушуниб олиши, кўпчилик учун жамиятнинг ҳозирги босқичи қонуниятлари, унинг тарихий аҳамиятини англашларида муҳим аҳамият касб этмоқда ва асосий илмий манба ролини бажармоқда. Таъкидлаш лозимки, асарни ўқиган китобхонда ўтказилаётган демократик ислоҳотларнинг асосий мақсади халқ манфаатлари ижросига қартилганлиги, халқимизнинг фаровонлиги, аза-

лий орзулари амалга ошишини таъминлаётганини ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлади. Асарнинг кириш қисмида Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасида амалга оширилаётган туб институционал ўзгаришлар, ислоҳотларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ҳамда устувор вазифалари, миллий тараққиётимиз истиқболлари ҳақида фикр юритилган [1,7]. Мамлакат раҳбари қаламига мансуб бўлган ушбу асар китобхонларни Янги Ўзбекистоннинг замонавий демократик қиёфаси қандай яратилаётгани, мамлакатимизни янги ривожланиш босқичига кўтариш учун белгилаб олинган стратегик йўли тўғрисида яхлит тасаввур қилиш имконини беради. Асарнинг муҳим жиҳатларидан яна бири унда Ўзбекистон халқининг Учинчи Уйғониш даври пойдеворини яратиши, мамлакатимиз тараққиётини янги чўққиларга олиб чиқиш учун олиб бораётган мардонавор меҳнатлари, яратувчилик фаолиятининг хусусиятлари ёритилган [1, 42, 43]. Қайд этиш лозимки, асарни ўрганган ўқувчи ҳозирги даврда мамлакат тараққиётининг тарихий, фалсафий, иқтисодий, инновацион жиҳатлари концепциясини белгилаб берадиган илмий ғоялар ичida мутлақо янги фикр бўлган Учинчи Ренессанс ривожининг Ўзбекистон Республикаси равнақи учун қандай аҳамиятга эгалиги тўғрисида муҳим маълумотларни олади ва Уйғониш даври хусусиятлари, халқимизнинг ушбу буюк яратувчиликка алоқадорлиги ҳақида чуқур мазмун касб этувчи тушунча шаклланади.

Асарда миллий фан ва маданият, таълим тизимида ўрганилаётган, ёшларимииз тафаккурига ижтимоий, гуманитар фанларни ўқитиши орқали сингдирилаётган “Янги Ўзбекистон тушунчasi нимани англатади?” деган саволга жавоб мавжуд, яъни унга фалсафий таъриф берилган. “Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки ҳоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига жавоб берадиган объектив заруратdir”. Мамлакат раҳбари ушбу тарихий босқич, янги тараққиёт даври учун: "...ислоҳотларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамият аъзоларининг чуқур билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шиҷоатини ишга солишимиз зарур. Шундагина Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносаб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлома обод ва фаровон мамлакатга айланади”, – деб таъкидлайди [1,3]. Бундай залварли, салоҳиятли, жамият аъзоларини, айниқса, ёшларни келажакка ишонч билан қарашга, демократик ислоҳотлар

мазмуни ва мақсадини чуқур англашга ундовчи фикр тараққиётнинг барча соҳалари, яъни ижтимоий, иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қиласи.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мавзуни илмий таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг асарларига мурожаат қилинди [2]. Давлатимиз раҳбарининг нутқларида, фармон ва қарорларида жамият янги тараққиёт босқичининг назарий-методологик жиҳатлари асосланган [3].

Мамлакат тараққиётини таъминлашда ёшларнинг роли, шу жумладан, фан ва таълим интеграциясининг концептуал мазмуни, вазифалари, амалга ошириш механизмлари моҳияти очиб берилган [4].

Давлат раҳбарининг нутқларида ижтимоий тараққиётнинг мақсади, ривожланиш тенденциялари, мавжуд камчиликлар ва уларнинг ечимини топиш йўллари баён қилинган [5].

Тадқиқотчилар А.Абдухакимов, Г.Тангирова янги тараққиёт босқичида маданий ҳаётдаги ривожланиш жараёнларини [6], С.Рахимов, А.Рузиев янгиланаётган Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларнинг такомиллашувини тадқиқ қилганлар [7].

Професор Н.Х.Ҳакимов Янги Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг асосий йўналишлари, миллий маданият дурданалари ва узлуксиз таълимнинг ёшлар камолотидаги роли, шу жумладан, олий таълимдаги инновацион ўзгаришларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар билан боғлиқлигини ўрганган [8].

Жамиятшунос олимлар Қ.А.Қадиров [9], Ф.Ж.Уралова жамиятнинг янги ривожланиш босқичида талаба ёшларнинг маънавий ва ғоявий имунитетини шакллантиришни [10], С.Ю.Кукол ҳозирги даврда Ўзбекистонда ислом динининг ўрни ва унинг ривожланиш тенденциялари долзарб масалаларини таҳлил қилган [11].

М.Р.Аитов [12], А.Самадов [13] тадқиқотларида Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва унинг асосий йўналишлари, шу жумладан, яқин кўшни давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалари ва минтақада мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсатининг устувор жиҳатларини, амалий аҳамиятини ўрганган. Янгиланаётган Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларнинг такомиллашуви ҳақида С.Рахимов, А.Рузиев мақолаларида муносабат билдирилган [14].

Янги тараққиёт босқичининг хуқуқий масалалари А.Исмаилова [15], Р.А.Икрамов [16], И.А.Зиядуллаев, М.Бахрамова [17] илмий ишларида ўз аксини топган.

**Тадқиқот методологияси.** Мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичи стратегияси моҳиятини тадқиқ қилишнинг назарий-амалий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва давлатимиз раҳбарининг асарлари, фармонлари ва қарорлари ташкил қиласди. Шунингдек, ушбу жараённинг объектив, субъектив жиҳатлари тадқиқида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, материаллари муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотнинг янги тараққиёт босқичи ривожланиш омиллари таҳлилида жамият юксалиш босқичига доир инновацион мазмундаги мустақил хулосалар чиқаришга Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятига оид хужжатлардан илмий-методологик манба сифатида фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Тараққиётнинг янги босқичида жамиятнинг рақамлашувига оид ислоҳотларнинг чуқурлашуви шароитида инсон интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳар бир фуқаронинг яратувчилик фаолиятини кенгайтириш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Шу жиҳатдан олиб қарагандা, давлатимиз раҳбарининг жамоатчиликка бундай мурожаати, даъвати ислоҳотларга оид вазифалар ечимини таъминлашдаги муҳим омиллар қаторига киради. Китобда илгари сурилган илмий асосланган фикрлар ичida Янги Ўзбекистон стратегияси муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, Янги Ўзбекистон орзузи, феномени, янгилашиш ва тараққиёт омиллари ва янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган жараёнлар моҳияти тизимли ифода қилинган. Асарнинг муҳим жиҳатларидан яна бири унда “Давлат инсон учун” ғоясининг мазмуни, зарурлиги ва унинг ислоҳотларнинг пировард натижасидаги ўрнига алоҳида эътибор берилган [1, 67].

Шу муносабат билан китоб муаллифи, яна бир бор демократик ислоҳотлар даврида муҳим ўрин эгалловчи омил давлат органларининг халққа хизмат қилувчи самарали восита эканлиги, фуқаролик жамияти шароитида давлат бошқарувининг цивилизациявий имкониятларини асослаб берган. Таъкидлаш лозимки, асарнинг назарий ва амалий аҳамиятини оширадиган яна бир ҳолат унда давлат ташкилотларининг худудий масалаларини ҳал қилиш масъулиятини янгича талаблар асосида англаш лозимлиги, амалиётда ушбу ижтимоий талабларга риоя қилиш зарурлиги қайд этилган. Китобни мутолаа қилар экансиз, унда жамият тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган масала, яъни қонун ижодкорлиги инсон ҳақ-хуқуқлари ҳимояси доирасида озод ва обод ватанимизда амалга оширилиш механизмлари ишлаб чиқилганини, амалиётга жорий этилаётганлиги,

ислоҳотлар кесимида муҳим ўрин эгаллашини тушуниб оласиз.

Шунингдек, асарда ушбу мавзу янада чукур, ҳуқуқий жараёнлар хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ифодаланган ва мамлакатимизда янги тараққиёт босқичида мустақил ва одил суд тизимидағи туб ўзгаришлар, инсон ҳақ-хуқуқини ҳимоялашга қаратилган, такомиллашган механизмларнинг ишлаб чиқилганини ва амалиётга жорий этилаётганлиги ўз ифодасини топган. Мамлакатимиз раҳбари адолатли жамият тараққиётидаги муҳим омил ҳисобланган фуқаролик жамияти ривожининг моҳияти, унинг эркин, фаровон турмушдаги ўрни масаласига алоҳида тўхталган. Халқимиз яратаетган Янги Ўзбекистонда барпо этилаётган турмушнинг эркин ва очиқ фуқаролик жамияти эканлигининг илмий, фалсафий, методологик жиҳатларига инновацион муносабат билдирилган [1, 72, 73].

Китобдаги фундаментал аҳамият касб этадиган илмий ёндашувлар, фуқаролик жамияти феномени стратегияси ижтимоий фанлар нуқтаи назаридан, фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиниб, жамият тараққиёти, унинг шаклланиш, ривожланиш, юксалиш жараёнларининг инновацион жиҳатлари, ривожланиш омиллари, Учинчи Ренессанс фундаментини яратишга оид масалаларини ўрганаётган тадқиқотчиларга методологик ёрдам ролини бажаради [1, 112].

Асардаги муҳим мавзулар қаторидан ахборот воситаларининг ҳозирги даврда инсон ҳаётидаги ўрнига эътибор қаратилган. Таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти шароитида воқеалар таҳлилида ёшлар аудиториясига, жамиятнинг барча ижтимоий қатламларига етказиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий масъулиятга эга бўлиши қайд этилган. Асарда илгари сурилган концептуал фикрлар, фундаментал аҳамият касб этувчи янги ғоялардан бири иқтисодиёт жамият тараққиётининг танаси эканлиги, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг янада ривожланиши зарурати ҳақидаги хулосадир. Мамлакат раҳбари ислоҳотлар кесимида инсон фаровонлигини таъминлаш жараёни учун иқтисодиёт тармоқларини янги технологияларни кенг жорий қилиш орқали ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб, ушбу жараённинг халқимиз келажаги, унинг тинч ва осойишта ҳаёти ва ниҳоят, Ўзбекистоннинг тараққий қилган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш лозимлигини уқтиради. Ушбу кенг қамровли жараёнда ислоҳотларда иштирок этаётган ҳар бир кишининг фаоллигини ошириш, унинг учун зарур бўлган барча ижтимоий шароитларни яратиш, мутахассислар фаолиятига дахлдор бўлган ақлли технология-

ларни ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга янада жадал киритиш фикри олға сурилган.

Янги Ўзбекистон тараққиётида қишлоқ хўжалиги ривожи, ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, айниқса, худудларнинг комплекс иқтисодий тараққиёти мамлакатимизнинг янги мэрраларни эгаллашида муҳим ўрин эгаллайди. Қайд этиш лозимки, Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнининг юксалишида, унинг қўлга киритаётган ютуқларини жаҳонга тараннум этишда, мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини хорижий юртлар вакилларига бевосита намойиш қилишда туризм соҳаси муҳим роль ўйнайди [1, 3].

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти ушбу соҳага юқори баҳо бериб, унинг юртимизда ишсизликни камайтириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкни мустаҳкамлаш, ёшларнинг жамиятда муносаб ўз ўрнини эгаллашдаги, ижтимоий, иқтисодий равнақидаги аҳамиятини таъкидлайди ва ушбу феноменни “Туризм – Ўзбекистон иқтисодиётининг драйвери” деб номлаган [1, 72]. Бундай муносабат туризмнинг ёшлар учун амалий аҳамиятини оширади, янги авлод вакиллари орасида юртимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларга инновацион ёндашувни шакллантиради. Муаллифнинг фуқаролик жамияти моҳиятига берган чуқур таҳлиллари қаторига янги тараққиёт даврида барча соҳалар тизимли суръатда рақамли иқтисодиёт сари одимлаётганлиги ҳақидаги илмий асосланган хуносалари киради.

Жамиятдаги бундай инновацион фаолият ижтимоий, иқтисодий тизимларда учраб турадиган, мавжуд бўлган коррупцияга қарши кураш, инсон интеллектуал имкониятларидан рационал фойдаланиш, камбағалликни камайтиришда муҳим восита эканлигини қайд этиш даркор. Асарда адолатли ижтимоий сиёсатнинг туб мақсади, амалга ошириш механизmlари ва қўлга киритилган натижалари ҳамда инсон салоҳиятини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор берилган. Таъкидлаш керакки, кучли ижтимоий сиёсатни ижтимоий турмушга татбиқ қилиш механизmlари тизимли такомиллаштирилмоқда. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари кучли ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва имкониятларига жиҳдий эътибор беради. Ушбу соҳада муҳим ўрин эгаллайдиган соғлиқни сақлашдаги муаммолар ва уларнинг ечимини топиш механизмлари берилган. Ҳозирги жамиятда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш бевосита ислоҳотлар тизимида муҳим амалий аҳамият касб этади. Шу муносабат билан асарда таълим-тарбия, илм-фяннинг мамлакат инновацион ривожидаги ўрни таҳлил қилинганлиги асарнинг амалий аҳамиятини янада оширган.

Давлатимиз раҳбари янги тараққиёт босқичида хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий жараёнлардаги ўрнига мунтазам эътибор беради. Шунинг учун ҳам Президентимиз ушбу асарида мутлақо янгича ёндашув – “аёл баҳтли бўлса, жамият баҳтлидир” деб номланган пурмаъно фикрни илгари суради [1, 247]. Шунингдек, ижтимоий, иқтисодий ривожланишда, мамлакат равнақида ёшларнинг яратувчилик миссиясини алоҳида таъкидлаб, “Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкори” эканлигини қайд этиб, ушбу ижтимоий қатламнинг яратувчилик имкониятларига устувор вазифа сифатида қараш лозимлигини уқтиради [1, 252].

Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичида ёшлар тарбияси, уларнинг сифатли таълим олишларига муҳим эътибор қаратилди, ушбу жараёнга демократик ислоҳотларни амалга оширувчи асосий воситалардан бири эканлиги тизимли таъкидланди. Ёшлар манфаатлари, уларнинг ижтимоий истакларини амалга оширишга қаратилган ислоҳотлар ўтказилди, унинг залварли натижалари ёшлар ҳаётида намоён бўлди. Жумладан, ЮНЕСКО ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандумда Олий таълим квалификацияларини тан олиш бўйича Токио конвенциясини Ўзбекистонда жорий қилиш белгиланган. Мамлакатимиз олий таълим муассасалари томонидан бу борада босқичма-босқич олиб бориладиган ишларнинг барчаси бажарилган. “Ўзбек ёшларининг олий таълим билан қамров даражаси 3 баробарга (2016 йилда 9 фоиз бўлган бўлса, 2021 йилда 28 фоиз) ошиди.

Таълим хизматлари бозорида хорижий ва нодавлат таълим хизматлари вакилларининг иштироки кенгайди. Олий таълим муассасалари сони 2,2 маротаба (2016 йилда 64 та, 2022 йилда 158 та), нодавлат ОТМлар сони 7,2 маротабага (2016 йилда 4 та, 2021 йилда 29 та) ошиди. Халқаро тажриба асосида хорижий таълимни тан олиш жараёнлари соддалаштирилди. Ностирификация амалиётидан воз кечилиб, “тан олиш” амалиёти жорий этилди. Хорижий олий таълим квалификацияларини тан олиш муддати 30 кундан 10 кунга қисқартирилди. Жараён рақамлаштирилиб, давлат хизматлари орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Таълим сифати халқаро даражада эътироф этилган 8000 дан зиёд хорижий олий таълим муассасаларининг дипломларини тўғридан-тўғри тан олиш жорий этилди [21].

Токио конвенциясини ратификация қилиш мамлакатимиз иқтидорли ёшлари учун ривожланган хорижий давлатлар университетларида таълим олиш, ишлаш ва бу борада ўқиган давлатида олинган малака ва хужжатининг бошқа бир давлатда тан олинишини, хусусан,

таълим олишни кейинги босқичда давом эттириш, яъни академик тан олиш ҳамда касбий фаолият билан шуғулланиш учун тан олиш имконини беради. Токио конвенциясини ратификация қилиш орқали Ўзбекистонда:

– ўзбекистонлик ёшларнинг юқори сифатли олий таълим олиш имконияти кенгайиб, мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иктиносидий ривожланишига кўмаклашилади;

– халқаро даражада эътироф этилган норматив-хукуқий доирада олий таълим соҳасида ривожланган давлатлар етакчи университетлари, илмий марказлари билан ҳамкорлик кенгаяди;

– миллий ахборот марказлари тармоғига кириш билан мамлакатимизнинг олий таълим тизими тўғрисидаги маълумотларни жаҳон миқёсида тақдим этиш учун йўл очилади;

– хорижий таълимни тан олиш жараёнини соддалаштириш натижасида мамлакатимиз ёшларининг халқаро таълим ва меҳнат бозоридаги эркин мобиллиги таъминланади;

– мамлакатимиз университетларининг олий таълим хизмати экспорти кўлами кенгаяди, кредитни солиштириш имкони юзага келади, таълим ҳужжатларини хорижда тан олишдаги тўсиқлар бартараф этилади;

– Ўзбекистоннинг олий таълим соҳасида ги халқаро шартномани эътироф этиши жаҳонда давлатимиз мавқеини оширади;

– Ўзбекистонда олий таълим олганлиги ҳақидаги ҳужжат ва диплом иловаси халқаро стандартларга мослаштирилади [19].

Таъкидлаш лозимки, конвенцияни ратификация қилган давлатларда, қайси бирида бўлишидан қатъи назар, ўрта маълумот олганлик тўғрисидаги шаҳодатнома (аттестат) билан олий маълумот олиш учун ҳужжат топширишда ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди. Аммо ҳар бир давлатнинг олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш шартларини ўзаро ҳурмат қилган ҳолда амал қилинади. Яъни хорижий абитуриент Ўзбекистонда олий таълим олиши учун мамлакатимиздаги қабул шартларига бўйсунади. Ўзбекистонлик абитуриентлар хорижий давлатларга олий таълим муассасасига ўқишга кирмоқчи бўлса, уларнинг қабул шартларига амал қилиши кўзда тутилади. Олий таълим муассасасига қабул қилишда малака эгаси тегишли таълимни самарали ўташга тайёр бўлиши учун тегишли муассасада таълим олиб бориладиган тил ёки тилларни етарли даражада эгаллаганлиги талаб этилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, олий таълимни такомиллаштиришга қаратилган тизимли ислоҳотларга қарамасдан, ушбу соҳада муайян муаммолар мавжуддир.

**“Биринчидан**, олий таълим муассасаларида ўқув режаларидағи фанлар кредит-модуль тизимининг талаб ва мақсадларига мос келмайди; аксарият муассасаларда тизимдаги ўқув режага эски ўқув режадаги фанлар сақлаб қолинган. Ушбу фанлар соатлари кредитларда ҳисобланган ҳолда шакли ўзгартирилган, холос. Ўқув режалари ТОП-500 таликка кирган университетлар ўқув режалари асосида такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан**, талабаларнинг мустақил таълими тўғри ташкил этилмаган. Ўзи кредит-модуль тизими профессор-ўқитувчи учун роҳати жон бўлиши керак, яъни биз талабанинг мустақил ишлаши учун катта йўл очиб, имконият яратишимиш керак. Кафедралар, борингки, вазирлик бу борада ўқитувчиларнинг юкини енгил қилмади.

**Учинчидан**, фан дастурлари, силлабусларнинг талабга жавоб бермаслиги. Талаба шунга қараб фанни танлайди.

**Тўртинчидан**, фанларни танлашда тала-бага қийинчилик туғдирувчи тизим яратилган. Ортиқча фанларнинг мавжудлиги талабаларда фанни тўғри танлаш имкониятини пасайтиро-моқда.

**Бешинчидан**, маъруза залларида аудитория сифимининг камлиги ҳамда бу йўналишда чекловлар мавжудлиги. Аксарият ОТМларда аудиториялар етишмаслиги туфайли дарслар он-лайн ёки бир неча сменада ташкил этилмоқда. Бундан ташқари ўқитувчилар етишмаслиги туфайли маъруза дарслари ҳали малакаси бўлмаган ёш ўқитувчиларга берилган” [18].

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг асарида ижтимоий ривожланиш жараёнидаги муҳим аҳамият касб этадиган, “маънавий тараққиёт”ни таъминлашга қаратилган тадбирлар, давлат ва жамоат ташкилотлари олдидағи устувор вазифалар баён қилинган. Асарда инсон манфаатларини таъминлашда стратегик аҳамият касб этадиган, яъни мамлакатимиз хавфсизлиги, унинг тинчликсевар ташқи сиёсати, мудофаа салоҳиятига оид прагматик ёндашув асосидағи фикрлар ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, асар муаллифи БМТ ва халқаро ташкилотлар, Осиё мамлакатлари билан Янги Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари ҳақида концептуал масалаларни баён қилган, халқаро муносабатлардаги чигалликларнинг амалий ечимини изоҳлаб берган. Мамлакатимиз тарихида ва Янги Ўзбекистон стратегик тараққиётидаги бекиёс аҳамият касб этадиган ушбу қимматли асарда умумбашарий муаммолар ва уларнинг Янги Ўзбекистон шароитида олиб борилаётган демократик ислоҳотларга таъсири, унга қарши қурашиб имкониятлари, таъсиранчан механизмларини кўрсатувчи, илмий

асосланган пурмаъно, стратегик аҳамият касб этувчи фикрлар билдирилган.

Юқоридагилар асосида хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз раҳбарининг ушбу китоби Учинчи Ренессанснинг наза-

рий, методологик асослари, амалий йўналишларини асослаб берувчи илмий манба ва асосий дастур, ижтимоий юксалиш омилларининг инновацион жиҳатларини кўрсатувчи асар ролини бажармоқда.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий Мажлис палаталарининг қўйма мажлисидағи нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъяят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 508 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.
6. Тангирова Г. Ученые расскажут о неизведанном прошлом Узбекистана. // Народное слово, 31 июля 2019. <https://xs.uz/ru/post/uchenye-rasskazhat-o-neizvedannom-proshlom-uzbekistana>
7. Рахимов С., Рузев А. Янгиланаётган Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларнинг такомиллашуви. <https://cyberleninka.ru/article/n/yangilanayotgan-zbekistononda-manaviy-marifiy-ishlarning-takomillashuvi>
8. Ҳакимов Н.Ҳ. Ўзбекистон янги тараққиёт босқичида. – Т.: Иқтисодиёт, 2022.
9. Қадиров Қ.А. Янги Ўзбекистон: ғоявий тарбия тизимига янгича ёндашувлар. <https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zbekiston-talim-tizimida-amalga-shirilayotgan-islo-otlar>
10. Уралова Ф.Ж. Янги Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар. <https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zbekiston-talim-tizimida-amalga-oshirilayotgan-islo-otlar>
11. Кукол С.Ю. Ислам в Узбекистане: современность и перспективы развития. // Проблемы национальной стратегии. 2020, № 1 (58). С. 53-56.
12. Аитов М.Р. Новая внешняя политика Узбекистана стала катализатором усиления сотрудничества в ЦА. Институт стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан (18января 2018). Дата обращения: 14 февраля 2019. <http://isrs.uz/ru/tahliliy-sharhlar/markaziy-osiyoda-hamkorlikni-kuchaytirishning-muhim-mezoni>.
13. Самадов Анвар. Узбекистан-Казахстан: новый этап сотрудничества, основанного на исторической дружбе и стратегическом партнёрстве, УзА (23 марта 2017). Дата обращения 15 февраля 2019.
14. Рахимов С., Рузев А. Янгиланаётган Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларнинг такомиллашуви. <https://cyberleninka.ru/article/n/yangilanayotgan-zbekistononda-manaviy-marifiy-ishlarning-takomillashuvi>
15. Ismayilov A. (2020) The origin of the state and the implementation of legal statehood ideas on the territory of Uzbekistan. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)-Peer Reviewed Journal. P. 520-524.
16. Ikramov R.A., Ziyadillayevich I.A. (2020) Historical and Theoretical Roots of Establishing a Democratic Law in Uzbekistan. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). P. 507-510.
17. Bakhratova M. E-Arbitration and Its Role in Modern Jurisprudence. Journal of Ethics and Diversity in International Communication 1.8 (2022): P. 15. <http://openaccessjournals.eu/index.php/jedic/article/view/960>
18. Олий таълим вазири ОТМлардаги таълим сифати ва кредит-модуль тизимидағи бешта муаммога тўхтади. <https://kun.uz/news/2021/11/13/ortiqcha-fanlar-auditoriyalar-yetishmasligi-mustaql-talim-masalasi-oliy-talim-vaziri-otmlardagi-muammolar-haqida>
19. Ўзбекистон олий таълим квалификацияларини тан олиш бўйича Токио конвенциясига қўшилиши кутилмоқда. <https://kun.uz/news/2021/12/14/ozbekiston-oliy-talim-kvalifikatsiyalarini-tan-olish-boyicha-konvensiyaga-goshilishi-kutilmoqda>